

“Аллоҳумма бика асбаҳна ва бика амсайнаа ва бика наҳяа ва бика намут ва илайкан нушур”.

Маъноси: «АЛЛОҲим, Сен ила тонг оттирдик, Сен ила кеч киргаздик, Сен ила ҳаётмиз, Сен ила вафот топамиз ва қайтиш Сенгадир».

(Абу Довуд ва Термизий ривояти.)

Кеч кирганда эса **“амсайна ва асбаҳна”** сўзлари алмаштириб айтилади».

Фотима: “Бугун ўқитувчимиз бизга гўзал бир нашида ўргатди”, деди.

Ота: “Яхши! Фотима, сендан уни эшитишни хоҳлардик, қизим”, деди.

Фотима айтди: “Эй Роббимиз, ҳамма оламлар Роббиси, Сен ягона Илоҳсан. Шеригу ёрдамчисиз таомлантирдинг, сероб қилдинг, бизни мусулмонлардан этдинг, бизга кифоя қилдингу паноҳ бердинг. Эй шукрлиларга кўпайтириб берувчи Зот, эй Роббимиз, эй Роббимиз, ҳамма оламлар Роббиси”.

Маҳмуд: «Фотиманинг нашидасида “Ҳамма оламлар Роббиси, Сен ягона Илоҳсан”, дейилган. **Робб, Илоҳ** сўзлари АЛЛОҲнинг гўзал исмлариданми?» деди.

Ота: «Ҳа, Маҳмуд, АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан **Робб** (тарбиячи, Ўз паноҳига олувчи), **Илоҳ** (Ундан ўзга ибодатга сазовор нарса бўлмаган Зот), **Аъла** (мартабаси ўта олий бўлган Зот), **Акром** (кўплаб ато қилувчи карамли Зот) бордир», деди.

Маҳмуд: “Бу исмларни яхшилаб ёдлаб оламан, отажон. Мен АЛЛОҲга муҳаббат қиламан, барча айбу нуқсонлардан пок ва Улуф бўлган Зотнинг гўзал исмларига муҳаббат қиламан”, деди.

Она: “Отаси, кечки таомни тайёрлашимга рухсат берсангиз”, деди.

Ота: “Тайёрлай қолинг, онаси”, деди. (Она кечки таомни тайёрлашга чиқиб кетди.)

Ота яна деди: «Онангиз дастурхон ёзгунича сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан овқатланган болага у зотнинг айтган сўзларини эшиттираман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у болага Ислом одобларидан бўлган овқатланиш одобини ўргатмоқчи бўлиб: **“Эй болажон, «Бисмиллаҳ»ни айт, ўнг қўлинг билан овқатлан ва ўз**

олдингдан егин”, деганлар.

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.)

Демак, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам овқатланмоқчи бўлган болага мана буларни ўргатганлар:

- 1) «Бисмиллаҳ» дейишни;
- 2) Ўнг қўл билан овқатланишни, чунки шайтон чап қўли билан ейди;
- 3) Ўзининг олдидан овқатланишни, бировнинг олдидан олмасликни.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатган овқатланиш одобларидан мана булар ҳам бор:

- 4) Келтирилган овқатдан айб топмаслик;
- 5) Овқатланишдан олдин яхшилаб қўлни ювиш;
- 6) Овқатга пуфламаслик, иссиқ бўлса ҳам;
- 7) Овқатланишдан олдин «Бисмиллаҳ»ни айтиш эсдан чиққанда **“Бисмиллаҳи аввалаҳу ва ахироҳу”** дейиш;
- 8) Овқатланиб бўлгандан сўнг **“Алҳамду лиллаҳи касийрон мубарокан фийҳи”** («АЛЛОҲга кўп барокатли шукр ва мақтовлар бўлсин»).

(Имом Бухорий ривояти.)

Шу вақт она кириб: “Узр, отаси, суҳбатингизни бўламан, овқат тайёр бўлди, марҳамат қилинглар”, деди.

Ота: “Дарсимиз ҳам тугади, онаси! Қани, юринглар, болаларим”, деди.

Абу Абдурахмон